



Марж ас-Саффар жанги (1-кисм)

702-хижрий йил рамазон ойининг 2-санасида (1303 йил 20 апрель) Марж ас-Саффарда мўғулларнинг Газанхон кўшини ва Мир султони Носир Муҳаммад ибн Калавуннинг мамлуклар кўшини ўртасида уч кунлик жанг (Шаҳаб текислиги жанги деб ҳам аталади) бошланди. Бу машҳур жангда мусулмонларнинг ёрқин ғалабаси олтимиш йил давом этган мўғул кўшинларининг Шомга ҳалокатли босқинларига чек қўйди ва уларнинг Мисрни босиб олиш ҳавфни бартарф қилди. Аммо мусулмонларнинг энг муҳим ғалабасидан ташқари, бу жанг яна бир сабаб билан тарихга кирди. Муҳим жанг арафасида кўшин билан бирга душманга қарши чиққан атоқли ислом уламиси ибн Таймийя роҳимахуллоҳ ўзининг машҳур фатвосини чиқариб, унда Ислом аскарларини Рамазон рўзасини казо

килишга фатво берди. Бирок, хаммасини хакида бир четидан сўзлаб берамиз...

Мукаддима

1299 йил мўгул кўшинларининг Шомга 1244 йилдан бошлаб хар ўн йилликда такрорланган бешинчи йирик бостириб кириши рўй берди. Эслатиб ўтамизки, мўгуллар томонидан Багдод вайрон килингандан сўнг (1258) Аббосийлар халифалиги тугатилди, бу эса Ислом Олтин асри поёнига етганини англатарди. Халифалик пойтахтининг кулаши мусулмонларга шундай тушкун таъсир кўрсатдики, орадан икки йил ўтиб мўгуллар Халаб ва Дамашкни осонгина кўлга олдилар. Факат мусулмонларнинг Айн Жалут жангидаги галабаси (1260) хамма нарсани ўтга ва киличга солиб, Шомга кайта-кайта бостириб кирган боскинчиларнинг хужумларини вақтинча тўхтата олди. Шундай қилиб, 1299-йилда Газанхоннинг 60 минг кишилиқ кучли мўгул кўшини Евфратни кесиб ўтди ва Халабни кўлга олди, сўнгра арман подшоши Хетум II ва грузин князлари кўшинлари буларга келиб қўшилди. Миср султони Газанхон кўшинини Хомснинг шимоли-шаркидаги Вади Ал-Хазнадар ҳудудида учратиб, 1299 йил 22 декабрда асосий жанг бўлиб ўтди. Тахминан 25 минг кишидан иборат бўлган мусулмонлар кўшини 100 минг кишилиқ бирлашган мўгул-христиан кўшинидан қашатқич мағлубиятга учради. Мусулмонларнинг йўқотишлари армиянинг деярли ярмини ташкил етди, уларнинг кўпчилиги маронит ва друзларнинг энг яхши қамончилари томонидан ўлдирилди. Шундан сўнг мўгуллар ва уларнинг иттифокчилари ҳимоясиз Дамашкка юриш қилдилар. Бундай мушкул вазиятда шайхул-ислом ибн Таймийя роҳимахуллох Газанхоннинг Набакдаги (Дамашк яқинидаги) қароргоҳида музокара олиб бориш учун олим ва зодагонлар делегациясига раҳбарлик қилди. Шаҳарнинг таслим бўлиш шартларини назарда тутиб, ибн Таймийя роҳимахуллох энг асосийси: мусулмонлар ҳаёти дахлсизлигининг қафолатларини олишга муваффақ бўлди.

Шу йили Керман ва Фарсга Чигатой хужумлари туфайли мўгул хони асосий кўшин билан Эронга қайтиб, мамлуклар Дамашкни қайта эгалладилар. Чигатойларни бир ёкли қилиб, 1303 йилда Газанхон Сурияга қайтишга, ният Шомни забт этишга ва Мисрни босиб олиш учун трамплин тайёрлашга қарор қилди. Бу вазифани Қутлуг бошчилигидаги 80 минг кишилиқ мўгул кўшини бажариши лозим эди. Мўгуллар хужумининг хабари Хама ва Халаб ахлига етгач, ўз ҳукмдорлари билан Шомга қочиб кетдилар. Султоннинг муовини Байбарс ал-Жашнақир қўмондонлигидаги отряд шаҳарни ҳимоя қилиш учун Мисрдан қелди.

Ибн Таймийя роҳимахуллохнинг мўгулларга қарши жиҳодга даъватдаги роли

Қочқинлар билан тўлган Дамашкдаги вазият тобора қескинлашарди: шаҳар ёлғиз ўзи

мўғулларга карши тура олмасди. Дамашкда вахима кучайган ва аҳоли ундан кочмокчи бўлган, бироқ уларга ўлим ва мол-мулкни мусодара қилиш таҳдиди остида шаҳарни тарқ этиш қатъиян ман этилган.

Вазиятнинг оғирлигини англаган Байбарс дархол Мисрнинг 18 ёшли султони Носир Муҳаммад Калавунга ёрдам сўраб хабар юборди. Ўша пайтда Ислом дунёсининг сўнги кўргонининг раҳбарини юришни бошлашга ишонтириш керак эди. Бу миссия учун Шом ахли шайхулислом ибн Таймийяни танлади.

Султон саройига келиб, Шайх унга хабарни узатди. Бироқ уч йил аввалги оғир мағлубиятни эслаб Носир Муҳаммад иккиланди. Сусткашлик ўлимга ўхшар эди, шунинг учун ибн Таймия султоннинг иккиланишини пайкагач, унга ўзининг машхур сўзларини айтди: "Агар Шомга орқа ўгирсанг, у ерга аҳолини химоя қила оладиган ва тинч кунларда ҳукмронлик қила оладиган ўз султонимизни тайинлаймиз". Шайхнинг бу сўзлари Носир Муҳаммадни дархол юришга ундади.

Шу йил муқаддас Рамазон ойи кириб келиши жума кунига тўғри келди. Дамашкнинг барча аҳолиси тарових намозини ўтказиш ва Аллоҳга ёрдам сўраб дуолар қилиш учун масжид ва унинг атрофига тўпландилар. Барча нарсани эшитгувчи Аллоҳ уларнинг дуосини ижобат қилди.

Шанба, рамазон ойининг 2-куни мамлуклар қўшини Дамашкка етиб келди. Шаҳар ахли қувонди, ҳукмдори эса султонни қаршилишга шошилди. Лекин улар учрашига улгурмадилар, чунки Миср ҳукуматига шаҳардан атиги 40 чақирим узокликда бўлган мўғуллар яқинлашаётгани ҳақида шошилиш хабар келтирилади. Султон бошқа саркардалар билан биргаликда мўғуллар Дамашк деворларигача етиб келишини кутиб ўтирмасдан, уларга қарши чиқишга қарор қилади. Сермашаккат юришдан сўнг дам олишга ҳам улгурмай, рўзадор жангчилар дархол яна зирхларини кийдилар. Бу ерда муҳим бир воқеа рўй берди. Агар Ислом қўшини жанг пайтида рўза тутса, у заифлашиб қолиши ва мўғулларнинг лашкарларига қаршилиқ кўрсата олмай қолишидан қўрқиб, шайхулислом фатво бериб, рўзани бузиш лозимлигини билдирган. У ўз фатвосида саҳобаларига 630-йилда Маккани мушриклардан озод қилиш газотида рўзаларини бузишни буюрган Пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мисолига мурожаат қилган. Мусулмон қўшини орасида ибн Таймийянинг нуфузи жуда юқори бўлиб, уларнинг барчаси Султон бошчилигида бу фатвони сўзсиз қабул қилдилар. Жангчиларни жиходга руҳлантирган қорилар ва олимлар ҳамроҳлигида Султон йўлга тушди. Шу пайт Султон ёнидаги аскарлар ўртасида бўлган Аббосийлар халифаси Ал-Мустакфи би-ллоҳ хитоб қилди: "Эй, иймон учун қурашувчилар! Султонга нима бўлиши мумкинлигига эътибор берманг! Хотинларингиз учун ва Пайгамбарингиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динлари учун қурашинг!" Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, Мамлуклар билан бирга Дамашкнинг қўлида қурол ушлаб тура оладиган барча аҳолиси, жумладан, аёллар ва ўсмирлар жангга кетган. Марж ал-Саффар текислигида ҳал қилувчи жанг бўлиши керак эди. Бутун Ислом олами бу жангнинг натижасини бамисоли нафас олмай қутарди.